



(Ўзбек адабиёти тарихида (саройлар атрофидаги адабий мухитни истисно килганда) калам ахлинин ўзаро уюштириб, адабий харакатга йўналиш бериб турган ташкилотлар бўлмаган. Шунинг учун хам ўзбек адабиёти XX асрнинг биринчи чорагига кадар "Кўкон адабий мухити", "Хоразм адабий мухити", "Тошкент адабий мухити" сингари турли жўгрофий-адабий худудларга бўлинган холда яшаб келди.

"Чигатой гурунги" эса Ўзбекистонда ташкил топган дастлабки адабий уюшмадир.

"Чигатой гурунги". Ўзбекистон ёзувчилари 1934 йили Совет хокимияти томонидан ташкил килинган Ёзувчилар уюшмасига бирлаштирилгунларига кадар ўзларининг бир неча кичик-кичик жамиятларига эга бўлганлар. Шулардан бири 1919 йили ташкил этилган "Чигатой гурунги"дир.

Совет даври ўзбек адабиёти тарихига багишланган барча китоб ва маколаларда "Чигатой гурунги" миллатчилик ва пантуркизм гояларини олга сурган, ўта реакцион адабий уюшма сифатида тилга олиниб келинган. Шунинг учун хам бирор адабиёт тарихчиси бу дастлабки уюшма фаолияти билан кизикмай, унинг вужудга келиши ва тугатилиш тарихини ўрганмай келган.

Чигатой Чингизхоннинг иккинчи ўгли бўлиб, Амударё бўйларидан Гулжага кадар ёйилган ерлар — Мовароуннахр, Еттисув ва Кашкар унинг тасарруфида бўлган. Чигатой 1242 йили вафот этганидан кейин унинг аждодларига мерос сифатида ўтган бу жуғрофий кенглик "Чигатой улуси" деб аталган. Шу кенгликда яшаган халклар тили "чигатой тили", улар яратган адабиёт эса "чигатой адабиёти" деб юритилган.

Совет хокимияти ўрнатилгандан кейин, 1919 йили Фитрат бошлиқ бир гурух шоир ва олимлар биринчи адабий уюшмани тузганларида, унга "Чигатой гурунги" деб ном беришган. Фитрат ва унинг маслакдошлари мўгул истилосидан ўзларига кадар туркий тилда яратилган адабиётни ўзбек халкининг маънавий-маданий бойлиги сифатида саклаб колиш ва халкнинг том маънодаги мулкига айлантириш максадида бу бой адабий меросни тўплаш, ўрганиш ва нашр этишни ўз олдиларига вазифа килиб кўйдилар. Бунинг учун эса улар аввало саводсизликни тугатиш, мураккаб араб имлосини ислоҳ килиш ва ўзбек тилининг соғлигини таъминлаш лозим, деб топдилар.

"Гурунг"нинг илмий ва ижодий дастурини амалга оширишга киришган Фитрат ўзбек мумтоз адабиётини унинг қадимги даврларидан бошлаб ўрганишга киришди; Элбек халк ижоди намуналарини тўплаш ва ўрганишни ўз зиммасига олди; Каюм Рамазон ўзбек тилининг тарихи ва назариясини ўргана бошлади; Чўлпон хам ўзининг серкирра ижодий фаолияти билан бу хайрли ишга хисса кўшишга уринди.

Октябрь тўнтаришидан кейин собик чор мустамлакала-ри, шу жумладан, Ўзбекистонда сунъий равишда пролетар адабиёти яратилаётгани ва бу адабиётнинг нафис санъатдан узок, гарип бир адабиёт бўлиши мумкинлигини кўрган бир гурух ёзувчилар ана шу "Чигатой адабиёти" анъаналарини саклаб колиш ниятида "Чигатой гурунги"га асос солганилар. Бу дастлабки адабий уюшманинг асосчиси XX аср ўзбек адабиётининг буюк сиймоларидан бири Фитрат бўлиб, у Совет давлати тонгидаёк ўзбек халки энди "кизил" кишанлар билан занжирбанд этилиши мумкинлигини сезган ва бу хавфдан кутулишнинг бирдан-бир йўлини Туркистонда истикомат килган халкларнинг бир байрок остида бирлашишида ва улар маданиятини юксалтиришда кўрган. "Чигатой гурунги"нинг асосий максад-вазифаси хам ёлгиз ўзбек адабиёти ва ўзбек тилининг софлигини саклаб колиш, ўзбек адабиёти эришган бадиий ютукларни мустахкамлаш эди. "Миллий-маданий муҳторият" сўзларини ўзига шиор килиб олган "Чигатой гурунги" бир йил мукаддам кизил кўшин томонидан тор-мор этилган "Туркистон муҳторияти" гоясини адабий-маданий жабхада давом эттиришни ўзининг бурчи деб билди.

"Чигатой гурунги", чиндан хам, сиёсатга аралашмаслик ваъдаси билан майдонга чиқди. Лекин унинг миллий тил ва миллий адабиётнинг софлиги йўлида олиб борган фаолияти Октябрдан кейинги ўзбек адабиётининг пролетарлашиш жараёнига, русланиш ва советлашиш жараёнига карши каратилди. У ўзбек тилини арабий ва форсий сўзлардан халос этиш учун кураш олиб борар экан, бу курашнинг асосий йўналишини русланишга карши, ўзбек тилига русча-байнамилал сўзларнинг окиб киришига карши каратди. Худди шу нарса совет хокимияти ва унинг мафкура соҳасидаги посбонлари томонидан аксилинкилобий ва миллатчилик харакати деб баҳоланди.

Совет хокимиятининг ширин ваъдаларига ишонган ва 1918 йили Туркистон учун рус тили билан бирга умумтуркий тил-нинг давлат тили деб эълон килинганини кўрган "гурунг" катнашчилари "Чигатой тили" ёки умумтуркий тилнинг софлиги учун курашиб, арабий ва форсий сўзларни туркий сўзлар билан алмаштириш, араб ёзувини ислоҳ килиш, атамашунослик мезонларини ишлаб чикишга киришдилар. Фитрат ва унинг маслакдошлари ўз дастурларини амалга оширишда, бир томондан, панисломистлар, иккинчи томон-дан, пантуркистларнинг каршилигига дуч келдилар. Панисломистлар "чигатой тили"дан араб сўзларини кувиб чикариш бу тилнинг адабий тил сифатида нуфузини йўқотади, деган даъво билан "гурунг"га карши харакат бошладилар.

"Дейдиларким, - деб ёзган эди Фитрат уларга жавобан, - туркчадан адабий сўзларни чикармасга тейиш. Буни биз хам кабул киламиз. Адабий сўзларни туркчадан чикорингиз, демаймиз. Бизнинг тилагимиз - адабий сўзларни эмас, арабий сўзларни чикармок. Англашиладирким, бизга карши бўлгон оғолар арабий билан адабийни айирмасдан гапирадилар".

Фитратнинг "чигатой тили"ни ислоҳ килишга каратилган фаолиятини тўгри тушуниш учун унинг яна куйидаги сўзларига эътибор бериш лозим: "Шул чокда тилимиздаги араб, форс сўзларининг туркчаси топилмайди, демокчи эсангиз, ўрганинг! Хозирги сўзларимиздаги арабча, форсчалардан бир нечаси учун туркча топилмайди, десангиз, сўзларингиз тўгридир. Биз хам унларни чикармокчи эмасмиз, унларни олурмиз, лекин ўзимизни килармиз, туркчалашдуurmиз. Айтайликким, "коида "нинг туркчаси йўқдир.

"Харф "нинг-да туркчасин тополмадик, иккисин дахи олурмиз. Лекин сизлар каби "кавойиди хурфия" демасдан, "харф коидалари", дермиз".

Фитратдан ташкари, "гурунг"да Шокиржон Рахимий, Каюм Рамазон, Шорасул Зуннун, Чўлпон, Элбек, Боту, Саидахмад Назиров хам аъзо бўлганлар. Улар Хадрада умумтурк

тили адабиётини ўрганиш бўйича пулсиз курслар ташкил этиб, шахар мактабларидағи кўплаб муаллимларни ўз дарсларидан баҳраманд әтганлар. Бу дарслардан олдин, 1918 йилда Фитрат саккиз ойлик курсларда хам умумтурк тили ва адабиётидан сабок берган. "Бир кечада, - деб ёзади Фитрат, - "Чигатой гурунги"нинг мажлиси бўлган эди. Гурунг аъзолари томонидан ёзилгон асарларни ўкиб, мухокама килмокда эдик. Тошкентнинг энг катта ташкилотининг бирида тургон бир ўрток винтовка кўтариб келиб, мажлисимизга бирдан кирди. "Мухаммад пайгамбарнинг меъроҗини инкор килар экансиз", деб тафтишга киришди ва бизни мунака йўлсиз харакатлардан ман килиб кетди. Мана буларнинг хаммаси пантуркистларнинг игвоси билан бўлар эди".

Фитрат бу сўзларни ёзганда, пантуркизмга карши кураш авж олган, унинг ўзи хам пантуркист сифатида коралана-ётган эди. Шунинг учун у пантуркистларни ўта кора бўёқ-лар билан тасвир этган бўлиши мумкин. Лекин шу нарса хакикатки, у келажакда ўзбек давлатчилигининг Россиядан хам, Туркиядан хам мустакил яшашини орзу килган ва "Чи-гатой гурунги"нинг сиёсатга аралашмаган холда шу гояга хизмат килишини кўзлаган эди.

Фитратнинг ёш маслакдошларидан бири Ботудир. У кейинчалик, турли омиллар таъсирида, Фитрат ва Чўлпондан узоклашган, хатто уларга карши курашган. Лекин у 1931 йил 16 февраль санали кўргазмасида "Чигатой гурунги" ва унинг раҳбари Фитрат тўгрисида хакконий маълумот берган ва, жумладан, бундай ёзган:

"Мен Фитратни биринчи марта 1918 йилнинг ўрталарида, 8 ойлик курсларда кўрдим... Фитрат ўша вактда чигатой тили ва чигатой адабиётини тарғиб килар эди. Мен ўша вактда Фитратни билмас ва мутлако тушунмас эдим. Агар янгилишмасам, мени Фитрат билан 1919 йили Икромов таништирган. Фитрат бу даврда хокимият тепасида бўлган Мунаввар кори гурухининг таъкибидан яшириниб яшарди. Уни, менга маълум бўлишича, даҳрийлик ва гайрипантуркизмда айблашган эди..."

Икромовнинг "Изчи тўда" гурухи Сайд Ахорий группаси ва турк зобитлари билан уришиб колгач, биз Фитрат томонига ўта бошладик. Мен баъзан Шорасул Зуннун, баъзан Икромов билан Фитратнинг олдига ўз шеърларимни олиб борадиган бўлдим. Шорасул Зуннун тез орада Сайд Ахорий томонига ўтиб кетди ва биз у билан биродарлик муносабатларини уздик.

1919 йили Сайд Ахорий гурухи билан "Изчи тўда" ўртасидаги кураш бизнинг каттик маглубиятимиз билан тугаб, Икромов Наманганга иш сафари билан кетди, мен Тошкентда осмон билан ер ўртасида муаллак бўлиб колдим. Шу вактда мен "Чигатой гурунги"нинг котиби Элбек билан танишдим. Унинг таклифи билан 1920 йилнинг бошларида "Чигатой гурунги"га аъзо бўлиб кирдим ва техник котиб вазифасини ўз зиммамга олдим. "Чигатой гурунги" биздан сал нарида, Баландмачитда жойлашган экан, мен у ерда бир ой мобайнида ёлгиз ўзим ишлай бошладим".

Фитрат, юкорида айтиб ўтилганидек, бу вактда ракиблар таъкибидан кочиб юргани учун хатто "Чигатой гурунги"нинг мажлисларида хам иштирок эта олмаган.

Боту "гурунг" катнашчилари ташкил этган мажлислар тўгрисида хам озми-кўпми муфассал маълумотлар беради:

"Мен бир марта "Чигатой гурунги" биносида бўлиб ўтган мажлисда катнашдим, унда янги имлони ўрганиш курсларини очиш, чамаси, К.Рамазон томонидан тузилган ўзбек тилининг имлосини ўрганиш, ўзбек халк кўшикларини тўплаш, хукумат идоралари олдига ўзбекларни ўзбек деб аташ маса-ласини кўйиш каби муаммолар мухокама килинди. Сўнгти масала кандай мухокама этилганлиги ёдимда йўқ. Мен катнашган иккинчи

мажлис Рамзийнинг уйида бўлиб ўтди. У ерда Рамзий ва Фитрат ўз шеърларини ўқидилар. Мен тез орада кетиб колганим учун кейин нима бўлганини билмайман. Учинчи мажлис амакиваччамнинг уйида бўлиб, унда мусика чалинди. Дарвоке, бу мажлисларнинг хаммасида мусика чалинар эди. Фитрат сухбат пайтида хар доим ўзбек миллий маданиятини барпо этиш, аникроги, тирилтириш ва мустакил ўзбек миллатини яратиш масаласини кўтариб чикарди. У ўша пайтда босмачилик харакатига шубха билан каарди. У дерди: аввал — маданият, кейин — мустакиллик; босмачилар Русияга карши хеч нарса кила олмайдилар; бизнинг хозирги вазифамиз миллатни маданий жихатдан тарбиялашдир. Мен ўша пайтда айтилган гапларнинг аксарига тушунмаганман. Билишимча, ўша пайтда маданий ўзбек миллатини яратиш (кайси йўл билан эканлигини хали хам тасаввур этмайман), динга карши кураш, янги алифбо учун кураш зарурлиги кайта-кайта айтилган.

1919 йил охирида бўлса керак, турклар "Чигатой гурунгчилар" билан келишиб олиш учун Хайдар афанди ва унинг тарафдорларини юбордилар. Уларнинг Фитрат ва "Чигатой гурунги" нинг бошка раҳбарлари билан нима хакда сўзлашганлари менга коронги, аммо бу музокарадан хеч нарса чикмаган; натижада барча пантуркистлар ўзаро бирлашиб, бизларга карши шиддатли хужум бошлаганлар. Улар янги имлони ўрганиш бўйича Тошкентда очган курсларимизни ёпиб, ахоли ўртасида гўё динга карши иш олиб бораётганимиз хакида овоза таркатдилар. Бу сўнгги тадбир ахволи-мизни ўша захоти ёмонлаштириб юборди ва "Чигатой гурунги" чок-чокидан сўклилиб кетди".

Фитрат гарчанд Туркияда таълим олган ва ёш турклар таъсирида жадидчилик харакатига кириб келган бўлса-да, икки дарё оралигига яшаган халқдарнинг турк тилидан мустакил ўзбек тилини, турк адабиётидан мустакил ўзбек адабиётини янги тарихий-маданий шароитда ривожлантириш лозимлигини тушунди. Бу гоя ўша вактда Эски шахардаги совет хокимиютини ўз таъсир доирасига олган Мунаввар кори ва унинг бехисоб маслакдошлари учун мутлако ёт эди. Бундай кудратли кишилар билан курашда Фитратнинг ва "Чигатой гурунги"нинг маглубиятга учраши тайин эди. Зероки, бу икки гурухни ўзаро уриштириб кўйишдан манфаатдор бўлган учинчи бир куч хам бор эдики, у ўз мавкеини мустахкамлаш учун хеч нарсадан, хатто мунофиона харакатлардан хам тоймас эди.

Фитратнинг "Чигатой гурунги" раҳбари сифатидаги сўнгги иши 1921 йил январида ўзбек тили ва унинг имлосини ўрганиш бўйича биринчи ўзбек ўлка курултойини ўтказиш ва 1922 йилда "Ўзбек ёш шоирлари" тўпламини чоп этиш бўлди.

Фитрат курултойда янги ўзбек имлоси тўгрисида "Чигатой гурунги" номидан маъруза ўқиди. Ашурали Зохирӣ ва секин-аста советлар томонига ўта бошлаган Боту Фитратга карши сўзга чикдилар. Боту 20-йилларнинг аввалидаёк лотин ёзувига ўтишни таклиф килди, лекин унинг ўша давр учун гўр таклифи хатто мухокама учун кабул хам килинмади. Панисломизмнинг 20-йиллардаги йирик арбоби Муса Бегиевнинг курултой ишида катнашганлигидан руҳланган Тошкент зиёлиларининг руҳоний кисми "Чигатой гурунги" таклиф килган янги имло лойихасининг кабул килинишига каттиқ каршилик кўрсатди.

Мунаввар кори гурухи билан "Чигатой гурунги" ўртасидаги келишмовчиликнинг туб мохиятини тушуниш учун яна Фитратнинг ўзига мурожаат этайлик. У Бойбўлатовга ёзган очик хатида 1917—1918 йилларда Тошкентда айникса кучайган туркпаратстлик кайфияти тўгрисида сўзлаб, бундай деган: "...Турк тилларини, турк адабиётини бирлаштириш шиори остида "Чигатой гурунги" ташкил этилди. "Чигатой гурунги" ... ўзбек тили, ўзбек

адабиёти шиорлари остида пантуркист тўдаларга ва уларга берилган ўнг жадидларга карши курашди".

Демак, "Чигатой гурунги"ни тузишдан максад Тошкентдаги туркпаратст зиёлилар ва асир турк зобитлари туфайли кучайиб бораётган пантуркизм гояларига зарба бериш, ўзбек тили ва адабиётининг турк тили ва адабиётига сингиб кетишига карши курашиш эди.

Ўзбек жадидларининг сўл канотидан ташкил топган "Чигатой гурунги" ана шу хайрли вазифани ўз елкасига олиб, ўзбек тилининг соғлиги учун, янги ўзбек имлосини яратиш, халкнинг маънавий ва маданий ўсишига ёрдам бера олувчи ёзувчиларни етиштириш учун фидокорона кураш олиб борди. Бу, нихоятда киска умр кўрган дастлабки адабий уюшманинг катта тарихий хизмати эди.

Ботунинг айтишича, курултойнинг рухоний кисмида Фитратни жисмоний жихатдан маҳв этиш фикри хам тугилди. Буни сезган Фитрат ўз муҳолифларига карши дипломатларча муносабатда бўлиб, "Аввал — мустакиллик, сўнг — бирлашиш", деган шиор билан чикишга мажбур бўлди.

Туркий халклар адабиётининг улкан билимдони бўлган Фитрат ўзбек тили ва ўзбек адабиёти эришган ютуклар би-лан хакли равишда фаҳрланган. У курултойда килган маърузасида "Чигатой адабиёти турлича шевали турк адабиёти орасида энг юксак, энг муҳим ўринни тутгандир. Бошка шевадаги турк адабиёти орасида юксак, юкори, олий бўлгонидан кейин чигатой тилининг хам турк тиллари орасида юксак, юкори, олий бўлгонлигин кабул этмак мутлако лозимдир" деган фикрни бежиз олга сурмаган.

XX аср шеъриятида фикрнинг аник, ифоданинг халкчил ва лўнда бўлишилиги лозимлигини сезган "Чигатой гурунги" ўзининг дастлабки шеърий тажрибалари билан янги ўзбек шеъриятининг тугилишига унумдор замин яратди. "Гурунг"нинг тил ва адабиёт бобидаги изланишлари маълум кусурлардан холи бўлмаса-да, Чўлпон, Ойбек, Гафур Гулом, Хамид Олимжон, Шайхзода, Миртемир, Усмон Носир шеъриятининг майдонга келиши учун кутлуг замин бўлиб хизмат этди.

Афсуски, 20-йиллар аввалида авж олган адабий кураш ёш советлар мамлакатида жорий этила бошлаган адабий сиёsat натижасида "Чигатой гурунги" 1922 йили ўз фаолиятига нукта кўйишга мажбур бўлди. Лекин бугун, орадан 85 йил кечганига ва турли мафкуравий шамоллар эсиб ўтганига карамай, Фитрат асос соглан "Чигатой гурунги"нинг тўгри йўлни танлаб, ўзбек тили ва адабиётини, демак, ўзбек халкини мустакиллик хиёбонидан олиб боришга интилгани бизда мамнуният хисларини уйготади. "Гурунг" катнашчилари ўзбек тили ва адабиётининг факат умумий масалалари билангина чекланиб колмай, адабий жараённи хам синчковлик билан кузатдилар. Шу маънода уларнинг "Фаргона фожиалари" асарига муносабати бир мунча ибратли. "Фаргона фожиалари" Хамзанинг бизга етиб келмаган кўп кисмли пьесаси бўлиб, "гурунг"нинг унга муносабати салбий бўлган. Чўлпоннинг айтишича, 1919—1920 йилларда Фаргонада тўкилган конлар нафакат Тошкент ва Самарканд, балки Москва ва Ленинградга кадар етиб борган. Аммо бу воеалар нихоятда мураккаб бўлганига карамай, Хамза ўз асарини шошма-шошарлик билан ёзган ва унинг моҳиятини тўгри оча билмаган. "Чигатой гурунги" эса ўз мажлисларида бундай асарларни мухокама килиб, янги адабиётнинг шаклланиш йўлидаги кусурларни бартараф этишга харакат килган.

"Гурунг" аъзолари 1922 йили "Ўзбек ёш шоирлари" деган шеърий тўпламни чоп этдилар. Тўпламдан Фитрат, Чўлпон, Ботунинг шеърлари жой олган эди. Бу шеърлар орасида Фитратнинг "Миррих юлдузига", "Шоир", "Шарқ", Чўлпоннинг "Бузилган ўлкага" сингари асарлари хам бўлиб, уларда мазкур шоирларнинг Фаргона водийсидаги воеа-лардан

жунбишга келган калблари хамон фигон килиб турарди.

Мазкур тўплам эълон килингандан кейин Фаргона ахли-нинг тинчини бузган кўллар 1922 иили "Чигатой гурунги"нинг фаолиятига хам чек кўйдилар ва "гурунг" мустакиллик офтоби чиккунига кадар кораланиб келинди. Тарихдан бехабар кишилар "гурунг"ни "пантуркизм" гояларини тарғиб килишда, ўзбек маданияти байробгини турклар кўлига бериб кўйишда айбладилар. Холбуки, Фитрат ва унинг маслакдошлари бу масалада мутлако бошка фикрда эдилар.

Совет хокимиюти "Чигатой гурунги"нинг ташкил топишига рухсат берганида, сиёсатга аралашмаслик шартини кўйган эди. Фитрат ва унинг биродарлари шу шартга канчалик амал килмасинлар, уларнинг ўзбек тилини чет таъсирдан муҳофаза килиш, мумтоз адабиёт ва ҳалқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш ва ўрганиш, янги ўзбек адабиётининг эстетик гўзаллигини сакдаш хамда хаётни тўғри акс эттиришга каратилган ишлари кундан-кунга нотўғри баҳолана бошлади. Шунинг учун хам "Чигатой гурунги" номатлуб адабий уюшма сифатида таркатилиб юборилди.

"Нашри маориф". Дунёкараши 1917 йилга кадар шаклланган ва шу даврда маърифат соҳасида жонбозлик кўрсатган зиёлилар "Чигатой гурунги" таркатилганидан кейин хам ҳалкни маориф ва маданият меваларидан баҳраманд этиб боришни виждоний бурчлари, деб билдилар. 1922 йилнинг сўнгги кунларида навбатдаги норасмий йигинларига тўпланган тошкентлик зиёлилар "Нашри маориф" номли янги жамиятни ташкил этишга карор килдилар. Мунаввар кори Абдурашидхонов ташаббуси билан тузилган бу жамиятнинг таъсисчилари эса куйидагилар эди: Умархон Акрамхонов, Маннон Рамзий, Сайдносир Миржалилов, Толибжон Мусабоев, Шокиржон Рахимий, Мухаммад Усмонов, Холмуҳаммад Охунов, Абдулхамид Сулаймонов (Чўлпон) ва Хами-дуллахон Орифхонов. 1923 йил 1 январида "Туркистон" газетасида ана шу таъсисчилардан таркиб топган ижроия гурухининг Туркистон республикасидаги маориф ходимларига мурожаати эълон килинади. Бу мурожаатда таъсисчилар жамиятнинг максад ва вазифаларини тушунирибгина колмай, унга аъзо бўлиб киришни хам маориф ва маданият ходимларидан илтимос килган эдилар.

Агар шу мурожаатни "Нашри маориф" жамиятининг ilk кадами сифатида кабул килсан, унинг вужудга келиш санаси 1922 йил декабрининг сўнгги кунлари бўлади. Тошкентдаги Эски шахар ҳалқ маориф шўъбаси кошида кад кўтарган жамият тез орада канот ёзиб, республиканизнинг бошка катор вилоятларида хам ўз бўлимларини ташкил этди.

Жамиятнинг Тошкент шахридаги бўлими хайъати эса куйидаги маориф ва маданият фидойиларидан таркиб топди: Шокиржон Рахимий (раис), Мунаввар кори Абдурашидхонов (раис ўринбосари), Миркомил Алиев (котиб), Сайдносир Миржалилов (хазиначи), Абдулхамид Сулаймонов (Чўлпон), Холмуҳаммад Охунов, Толибжон Мусабоев, Зуфар Носирий, Абдулла Авлоний, Салимхон Тиллахонов ва бошкалар. Бу тилга олинган зиёлилардан ташкари, жамиятнинг Тошкент бўлими фаолиятида Маннон Рамзий, Элбек, Шоҳид Эсон каби сиймолар хам якиндан иштирок этдилар.

XX асрнинг 10 — 20-йилларида Тошкентдаги маърифатпарварлик харакатининг бошида ҳалкимизнинг улуг фарзандларидан бири Мунаввар кори Абдурашидхонов турган. Бу даврда кандай ижтимоий-сиёсий ва маданий тадбир амалга оширилган бўлмасин, уларнинг аксари Мунаввар кори Абдурашидхонов ташаббуси билан майдонга келган. "Нашри маориф" жамияти хам даставвал унинг хаёлида тугилган. Аммо Тошкент ахолиси ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган бу сиймо дастлаб "ок", кейин "кизил" таъкиб

остида яшагани учун, жамият манфаатидан келиб чикиб, расмий раислик килиш хукукини бошқаларга берган. Шунга карамай, у "Нашри маориф"нинг фаолиятида асосий рол-лардан бирини ўйнаган. Мунаввар кори билан келишувга мувофик, Шокиржон Рахимий "Тўркистон" газетасининг 13 феврал сонида "Нашри маориф" нима?, Мунаввар корининг ўзи эса шу газетанинг 4 март сонида ""Нашри мао-риф" уюшмасининг ахамияти"" деган маколаларини эълон килишган. Жамият фаолларидан яна бири Усмонхон Эшонхўжаев хам бу "бахс"дан четда колмай, шу газетанинг 28 апрель сонида "Яна "Нашри маориф" тўгрисида" деган макола билан чикиб, уюшманинг маориф ходимлари ўртасида машхур бўлишига ўз хиссасини кўшган.

Жамият раиси Ш.Рахимий ва котиби М.Алиев имзолари билан, шунингдек, муҳр билан тасдиқданган низомга кўра, жамиятнинг асосий максади: а) ўзбек адабий тили, атама-шунослиги ва имлоси масалаларини ишлаш; б) миллий санъат тўгрисидаги билимни ўрганиш ва таркatiш; в) ўзбек халкининг тарихи ва майший хаётини ўрганиш; г) ўзбек мактабларидағи таълим ва тарбия масалаларини йўлга кўйиш; д) ўзбек халк таълими ходимлари ва санъат арбобларига ёрдам кўрсатиш; е) Туркистон, Россия ва хориждаги олий хамда куйи мактаблардаги ўзбек ўкувчилари сонини оширишга каратилган тадбирларни ишлаб чикиш; ж) ахоли ўртасида мавжуд бўлган ўтмиш саркитлари ва фанатизмга карши кураш йўли билан ўзбек халкини маданий жихатдан ўстириш эди.

Жамият ана шу вазифаларни хал килиш учун:

- а) мунозаралар, сухбатлар ва маърузаларни ташкил этиш;
- б) экспедиция ва экскурсияларни уюштириш;
- в) кўргазмалар очиш;
- г) муваккат ва номуваккат нашрларни босмадан чикариш;
- д) китоблар, кўлёзмалар, осори атика ва санъат асарларини тўплаш хамда таркatiш;
- е) танловлар ўtkазиш хамда илмий ишлар ва санъат асарлари учун мукофотлар белгилаш;
- ж) ўзбек мактаблари учун зарур бўлган мутахассисларни тайёрлаш бўйича курслар очиш;
- з) муваккат ва номуваккат нашрлар учун ўзбек таржимонлари, мусаххилари ва ходимларидан иборат бюрони ташкил этиш;
- и) ўзбек стенографиясини яратиш хамда хукумат идоралари хамда жамоат ташкилотларидан мадад сўраш хукукига эга эди.

Туркистон мухторияти тутатилгандан сўнг ўлкада авж олган сиёсий таъкиб шу даврда бир оз юмшаган, Москвада эса Лениннинг хасталиги туфайли пролетариат инкилобининг кемаси хийла калкиб-калкиб кетаётган эди. Буни сезган зиёлилар якин орада мамлакатнинг сиёсий хаётида жиддий ўзгариш рўй бериши мумкинлигини ва хозирги номўтадил вазиятдан фойдаланиш лозимлигини тушундилар.

Уларнинг яна бир максади халк ўртасидаги бошбошдокликка, ластаввал, зиёлилар ўртасидаги гурухбозликка чек кўйиш, у ёки бу гурухга ёпиштирилган "кадим", ё "жадид", ё "уламо" ёрликларини олиб ташлаш эди. Улар Февраль инкилобидан кейин бой берилган имкониятларни кайта чамалаб кўриб, асосий хато зиёлилар ва умуман халкнинг ноиттифоклигига эканлигини эътироф этдилар. Шунинг учун хам улар, модомики, халкимиз ислом динининг кучли таъсирида экан, демак, биз Махкамай шаръия билан хамкорликда иш олиб боришимиз, халкимиз мусулмон халки эканлигини доимо ёдда

тутишимиз лозим, деган карорга келдилар.

Чор охранкаси хам, хар кандай янгиликдан чўчиган амалдорлару рухонийлар хам жадидчилик харакатининг камол топишига тўганок бўлдилар. Шунинг натижасида жадидлар маълум даражада халқдан узилган эдилар. Таъсисчилар жадидчилик харакатининг ана шу нуксонини инобатга олиб, "Нашри маориф"ни тобора халқ ичига якинлаштириш чораларини ахтардилар. Шу максадда улар, масалан, Эски шахардаги мусулмонлар ўртасида маориф ва маданият ишларини олиб борар эканлар, кариб барча махаллаларда "гап"лар ташкил этдилар ва бу "гап"ларда маориф ишлари билангина чекланиб колмай, кишиларнинг сиёсий онги ва миллий гурурини оширувчи фикрларни хам ўртага ташладилар.

Янги иктисадий сиёсат (НЭП) эълон килингач, Тошкент-да 1-Туркистон ширкати тузилди. Маърифатпарвар Сайдносир Миржалилов ташаббуси билан майдонга келган бу ширкат гарчанд савдо-саноат жамияти деб хисобланган бўлса-да, у амалда тошкентлик илгор ёшларнинг учрашиши ва фикрлашиши мумкин бўлган марказ хам эди. "Нашри маориф" ташкил этган "гап"ларнинг аксар катнашчилари хам шу ёшлар бўлди. Жамият раҳбарлари ўз гоя ва маслакларини ана шу ёшлар оркали тарқатиш, уларни уюшма хисобига хорижга ўкишга юбориш йўли билан янги маърифатли авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдиларига кўйдилар. Улар баҳтига, шу даврда ширкат кошида худди шу масала билан шугулланувчи "Кўмак" жамияти хам фаолият кўрсата бошлаган эди.

Шу тарзда жамият, биринчидан, "Нашри маориф" номида Тошкент, Бухоро ва бошка шахарларда чоп этилган муваккат нашрлари, иккинчидан, "гап"лари оркали, айникса, мусулмон ўқитувчилари ва ўкувчи ёшлари ўртасида катта тарбиявий-маърифий ишларни олиб борди; учинчидан, "Кўмак"ни ўз ихтиёрига жалб этиб, Россия, Туркия, Германия ва бошка мамлакатларга ўкишга юборилажак ёшлар билан boglik муаммоларни хам ўз зиммасига олди.

Жамиятнинг барча аъзолари учун (фаҳрий аъзолардан ташкари) кириш бадали ярим пуд бугдой бўлган. Жамият маблаги аъзолик бадаллари, ионалари, давлат ва жамоат муассасаларидан олинадиган ёрдам, нашрлар, пулли маърузалар, спектакллар, сайиллар ва бошка тадбирлардан тушган даромад асосида тўпланган. Бу маблаг, ўз навбатида, муваккат нашрлар, мактабларнинг ўкув-методик эҳтиёjlари, хорижга ўкишга юборилаётган ё юборилган талабалар ўртасида таксимланган.

Жамиятнинг 1923 йилдаги фаолияти, айникса, самарали бўлди. Жамият бир йил ичida оёкка турибина колмай, турли нашрларни амалга оширди. Жамиятнинг вилоят бўлимлари хам оркада колмади. Афсуски, биз турли кутубхоналарда сакланиб колган жамиятнинг журнал ва нашрларини хали тўплаб ўрганиб чикканимизча йўк. Бу — келажакнинг иши. Аммо хозирнинг ўзидаёк шу нарса аникли, "Нашри маориф" киска фаолияти мобайнида халқ маориф ва маданиятини кўтариш бўйича кўпгина хайрли ишларни амалга оширди. У олиб борган хайрли ишларнинг асосий нишаби эса истиклол сари — элу юртимизни миллий мустакилликка олиб чикишга каратилган эди.

Жамият фаолларидан бири Салимхон Тиллахонов ўз маслакдошлари билан сухбатда бундай деган экан: "Биз шу пайтга кадар бурчак-бурчакларда яшириниб ишлаб келган эдик, эндиликда ошкора ишлаш пайти келди. Шунинг учун хам гайратимизга гайрат кўшишимиз керак". Шокиржон Рахимиј эса Мунаввар кори билан сухбатлашар экан, бундай сўзларни айтган: "Агар жамиятимиз биз хохлаган йўналишда яхши ишларни олиб борса, худо хохласа, тез орада ажнабий халкларнинг таъсиридан кутилиб коламиз ". Бундай некбин кайфиятга берилган жамият аъзолари 1924 йилнинг январида уюшма

фаолиятини янада жонлантириш истагида хайъат таркибини кайта сайладилар. Мунаввар кори жамиятга раис, Гози Олим Юнусов эса котиб этиб сайланди. 30 январь куни "Нашри маориф" ва "Кўмак" жамиятлари рахбарлари кенгаши бўлиб ўтди ва унда хар иккала жамиятни бирлаштириш масаласи ўртага ташланди. Аммо шу пайт, кутимаганда, Шокир Рахимий "Нашри маориф" жамиятини таркатиб юбориш хакидаги таклифни ўртага ташлади. Ва унинг таклифи кўпчилик овоз билан кабул килинди. Советлар мамлакати шу вактда ўз хаётининг оғир бир даврига кадам кўйган эди. Ленинизм "тугаб", сталинизм бошланганини кўрган маорифчилар шу даврнинг хосиятсиз бўлишини Сталиннинг макбара олдидағи касамларидан аник сезган эдилар.

"Кизил калам". 1923 йилда "Адабий-бадиий тўгарак" деган Йўксил (пролетар) ёзувчилар уюшмаси тузилди. Бу уюшма хозир Санъат музеи жойлашган ва ўша йилларда Кафанов номидаги Ишчилар клубига карашли бинода ўз фаолиятини бошлади. Ўша йилларда ўзбек адабиётига кириб келган йўксил шоир ва ёзувчилар шу тўгаракнинг аъзоси бўлганлар. Лекин бу тўгарак ўз атрофига йўксил адабиёт вакилларини тўплаш ва тарбиялашга каратилган вазифасини,ижодий ночорлиги оркасида, бажара олмади ва бирор амалий натижага эришмади. Шу сабабдан унинг аъзолари тез орада пароканда бўлиб кетдилар.

1926 йили эса Самарканда "Кизил калам" жамиятига асос солинди. Шокир Сулаймон рахбарлик килган бу жамиятда Отажон Хошим, Боту, Зиё Сайд, Сотти Хусайн, Анкабой, Олтой билан бирга янги етишиб келаётган Уйгун, Хамид Олимжон, Миртемир, Ойдин сингари ёш каламкашлар хам бор эди. Ўша йилнинг охирларида жамиятнинг Фаргона ва Намангандан вилоят бўлимлари хам ташкил этилди. Жамиятнинг асосий максади Ўзбекистонда барпо этилаётган социалистик тузумга хайриҳо ёзувчиларни тўплаш ва тарбия килиш эди. Лекин "Кизил калам" аъзолари орасида, бир томондан, катта авлод вакиллари, иккинчи томондан, ёшлар бўлгани ва улар, дунёкарашларига кўра, фарқлангани учун жамият йигилишларида ўзаро кизгин баҳс ва мунозаралар тез-тез бўлиб турди. Бу мунозаралар 1928 йилда, "Кизил калам" мажмуасининг биринчи китоби чоп этилганидан кейин, айникса, авж олиб, кекса ва ёш аъзолар ўртасида жиддий ихтилоф юзага келди. Бу ихтилоф хатто жаъмиятнинг маълум муддатга таркалиб кетишига хам сабаб бўлди.

Ихтилоф туфайли пайдо бўлган киска муддатли танаффусдан сўнг "Кизил калам" 1928 йили яна ўз фаолиятини давом эттириди. 1929 йилда эса жамиятнинг бошкарув органи кайта кўрилиб, Зиё Сайд унинг рахбари этиб сайланди. Шу йили жамиятнинг иккинчи мажмуаси нашрдан чиқди.

Совет хокимияти "Кизил калам" оркали ёзувчиларни Ўзбекистондаги социалистик курилиш мавзуига багишлиланган, шунингдек, СССРнинг пахта мустакиллигига эришиши учун кишлок ахлини "кахрамонона меҳнат"га сафарбар этувчи асарлар ёзишга рагбатлантириди. Бундай асарлар пайдо бўлиши биланок улар янги ўзбек адабиётининг ажойиб намуналари сифатида баҳоланди. Шу тарзда ялангоч гоялар ифодаланган долзарб мавзулардаги асарлар оқими вужудга кела бошлади.

"Кизил калам" Ўзбекистоннинг бир неча вилоятларида ўз бўлимларини очиш ва улар хаётини жонлантириш устида кайгурибина колмай, Озарбайжон ва Татаристондаги адабий ташкилотлар билан хам якин алока ўрнатди.

"Ёш ленинчи" газетаси кошидаги тўгарак. Шу йилларда "Кизил калам" жамияти билан

бирга баъзи газеталар ва олий ўкув юртлари кошида хам адабий тўтараклар ташкил этилиб, улар ёш калам ахлини тарбиялаш ишлари билан шугулланди. Шундай тўгараклардан бири Тошкентда, "Ёш ленинчи" газетаси кошида тузилди. "Ёш пролетар адабшоирлари" деб номланган бу тўгарак газетанинг янги мухаррири Сотти Хусайн ташаббуси билан 1927 йилда ташкил топди.

Сотти Хусайн газетада ўз шеърлари, хикоя ва очерклари билан катнашган ёш ижодкорларни тўплаб, уларнинг дастлабки асарларини тўгарак мухокамасига кўйди, эпакали асарлар устида муаллифлар билан бирга ишлаб, сўнг газетада эълон килиб борди. Бундан илхомланган ёшлар тўгарак атрофида янада жипслашиб, дастлабки адабий сабокларни шу ерда олдилар.

Тўтарак катнашчиларидан бири - Миртемирнинг "Шуълалар кўинида" (1928) деб номланган дастлабки тўплами ўша даврда катта воеа бўлди. Бу тўпламдан жой олган аксар шеърлар шу тўгаракда мухокама килиниб, сайкалланган эди. Мазкур тўпламга кириш сўзи ёзган Сотти Хусайн истеъодли ёш шоир тугилганидан гоят мамнун бўлиб, унинг адабий келажагига катта умид билдирган эди. Бу, ўша пайтда Миртемирга нисбатан уч-тўрт кўйлакни ортиқ кийган айrim каламкашларнинг гашини келтиради. Улар Миртемирга карши маколалар билан чикиб, сиёсий идоралар эътиборини унинг келиб чикишига жалб этмокчи бўладилар. Бундай ошкора гаразгўйлик ва хасад ёш шоирни майиб килиши мумкинлигини сезган мураббий уни ўз панохига олади. У фактат Миртемирни эмас, бошка ёшларнинг адабий келажаги хакида хам кайгуриб, 1929 йидда тўгарак аъзоларининг асарларидан таркиб топган "Кўрмана" тўпламини бостириб чикаради. Бу тўпламдан Миртемир, Яшин, Собир Абдулла, Эргаш, Хасан Пўлат, Юнус Латиф ва бошка шоирларнинг шеърлари ўрин олган эди.

Миртемир Сотти Хусайн тўгрисидаги хотираларида ўша даврни эслаб, бундай ёзган: "Сотти Хусайн ташаббуси билан каламкашларнинг "Кўрмана" сарлавҳали тўплами ёруглик кўргани хам катта ходиса бўлгани ёдимда. "Хозирги вокелик бадиий асар учун илхом беришдан ожиз!" деб айюханнос солғанга бу тўплам: "Кўр, мана!" маъносида бўлганлигини Сотти Хусайн фахр билан адабий йигинларда такрорлагани эсимда ". Сотти Хусайн марксчи мунаккид бўлгани учун тўгарак аъзоларида марксизм-ленинизм таълимотига нисбатан хурмат туйгусини сингдириш, уларни совет даври мавзуларида асарлар ёзишга рагбатлантиришга уринди. Ўзининг марксча-ленинча карашларига хаддан зиёд ишонган мунаккид хатто бир туркум маколалар ёзиб, ўзбек адабиётининг "Ўтган кунлар"дек буюк асарини чилпарчин килиб ташламокчи хам бўлди. Аммо у тўтарак раҳбари сифатида шу йилларда кўплаб шоирларнинг шаклланишида муайян ролни ўйнади.

Пролетар ёзувчилари уюшмалари. 1923 йил марта бўлиб ўтган Москва пролетар ёзувчиларининг 1-курултойида Москва пролетар ёзувчилари уюшмаси — МАППга асос солинади. Ва ўша йилнинг май ойида МАПП ташкилотчилари Бутуниттифок пролетар ёзувчилари уюшмаси (ВАПП) ни ташкил этишга карор киладилар. Бу хар иккала уюшмани тузишдан максад адабиётга раҳбарлик килиш хукукини партияга бериш ва шу йўл билан пролетар адабиётини яратишда иштирок этмаган ёзувчиларни партия ёрдамида четлаштириш эди. Уларнинг асосий шиорлари эса адабий меросни ўрганишга чек кўйиш, йўксил ёзувчилар каршисида кенг ижодий майдон ва шароитни яратиш, "йўловчи" ёзувчиларни адабиётдан четлаштириш оркали "буржуа мафкураси"нинг жонланишига имкон бермаслик эди.

Афсуски, бундай карашлар Ўзбекистонда тугилиб келаётган йўксил ёзувчиларга хам бегона эмас эди. Улар 1924 йил июнида юкорида зикр этилган Кафанов номидаги Ишчилар клубида таъсис йигилишини ўтказиб, ВАППнинг Тошкент бўлими (ТАПП) ни очишга карор килдилар. Шундан кейин ТАПП мутасаддилари МАПП ва ЛАПП билан алока ўрнатиб, пролетар адабиётининг ахволи ва вазифаларига багишлиланган кечалар ўтказдилар, маърузалар килдилар.

1928 йил апрелида ТАПП замирида Ўрта Осиё пролетар ёзувчилари уюшмаси (САПП) ташкил этилди. Ўз навбатида бу уюшманинг Ўзбекистон, Киргизистон, Тожикистон ва Туркманистон бўлимлари тузилиб, улар бу ўлкаларда пролетар адабиётининг кенг канот ёзиши учун турли-туман тадбирларни амалга оширилар. Уюшма кошида рус тилида "Ўрта Осиё адабиёти" газетаси ва "Ўрта Осиё халкларининг совет адабиёти" журнали нашр этила бошлади.

1928 йилнинг апрель-май ойларида Москвада Пролетар ёзувчиларининг 1-Бутуниттифок қурултойи ўтказилиб, унда ВАППни Пролетар ёзувчилари уюшмасининг бутуниттифок бирлашмаси (ВОАПП)га айлантириш хамда Россия пролетар ёзувчилар уюшмаси (РАПП)ни тузиш хакидаги карорга келинди. Шу вактдан эътиборан ВАПП ўз мавкеини ўйкотиб, пролетар адабиётига раҳбарлик жилови РАПП кўлига ўтди. РАППчилар ўз карорларини кабул килмаган барча ёзувчиларга карши курашиб, уларга "йўловчи" ёрлигини ёпишира бошладилар. Улар хатто М.Горький ва В.Маяковскийни хам "йўловчи ёзувчилар", деб эълон килдилар.

РАППнинг бутуниттифок пролетар адабиётидаги кунданкунга ошиб бораётган мавкеини кўрган республика раҳбарияти 1930 йилда "Кизил калам" жамиятини тугатиб, Ўзбекистон пролетар ёзувчилар уюшмаси (ЎзАПП) га пойdevor кўйди. Умаржон Исмоилов бу янги ташкилотнинг раҳбари этиб тайинланди. Шу вактдан бошлаб РАППнинг Ўзбекистондаги издошлари рус огаларининг хар бир харакатидан ибрат олиб, завод ва фабрикалардаги "ижодий кучлар"дан пролетар ёзувчиларни етиширишга киришдилар. "Сельмаш" сингари завод ва фабрикалар кошида ишчилар учун адабий тўгараклар ташкил этилди. ЎзАПП ўз сафларидағи айрим ёшларни "ҳаёт мактаби"ни ўташ учун бу завод ва фабрикаларга ишга юборди. "Кизил калам"нинг гоявий хатоларини тузатиш баҳонаси билан адабий меросни ўрга-нишга карши кураш бошланди. Пролетар ёзувчилари 1-бутуниттифок қурултойининг делегати бўлган ўзбек ёзувчи ва танқидчилари ўз хамкасларини турли гурухларга ажратиб, "йўловчилар"ни хар томонлама сикув ва таъкиб остига ола бошладилар.

Шу йилларда ЎзАППнинг мафкуравий раҳбарларидан бири бўлган Сотти Хусайн дастур аҳамиятига эга бўлган бир маколасида каламкаш биродарларини гурух-гурухларга ажратиб, бундай ёзган эди:

"...Энди йўловчиларнинг кимлигини билиб кўяйлик.

Йўловчини белгилаганда, унинг табакаларга бўлинишини кўзда тутишимиз лозим.

Йўловчиларни ажратиша хозирча факат мафкуравий ёқдан караймиз, хозирги адабиётимизда ўнг бурилишдаги йўловчи Абдулла Кодирий, Фитрат, Чўлпондир.

Абдулла Кодирий ўнгчиликдан бир мунча кайтиб келмакдадир.

Фитрат, Чўлпонлар инкилоб бошида ўта ўнг эдилар. Кейин-кейин миллий бойлар томони енгилиши билан сўниб колдилар. Сўнишлари табиий эди. Уларга бир чора инкилоб билан бирга бориб, ёзувчиликда кучланиш бўлса, иккинчи чора бутунлай сўнишдир...

Шокир Сулаймон, Элбек, Ойбек, Н.Рахимий сўллашмакда бўлган ёзувчилардир. Булар ичидан Шокир Сулаймон мафкуравий ёқдан ўсиб, сўллашиб келмокда".

РАПП билан ЎзАППнинг шу йиллардаги фаолиятини ўзаро киёсласак, ажабтовур бир манзарани кўрамиз. Агар РАППчилар нафакат М.Горький ва В.Маяковский, балки А.Толстой, С.Есенин, С.Сергеев-Ценский, И.Эренбург, Л.Леонов, К.Федин ва бошка рус ёзувчиларига хам шубха билан караган бўлсалар, ЎзАППчилар хам шу даврдаги барча энг истеъдодли ёзувчиларни бадном этмокчи бўлдилар. Фитрат ва Чўлпонларга карши 20-йилларнинг ўрталарида матбуотда бошланган кураш уларни адабиётдан сикиб чиқариш билан тугади. ЎзАППчилар улар каршисида матбуот ва нашриёт эшикларини ёпиб кўйдилар. Нафакат бу улуг ёзувчилар, балки адабиётда ўзига эндиғина ўрин хозирлаётган ёшлар шаънига хам бўлмагур гапларни айтдилар. "Кизил Ўзбекистон" газетасининг 1928 йил 5 июль сонида босилган макола муаллифи Ойбекка мурожаат этиб: "...асарларингиздаги мафкурани ленинчи комсомол номига жавоб берадиган вазиятга келтирансангиз, сизга - нажот, бўлмаса - халокат" — деб ёзди. Элбек эса "йўлдан озган муртад" деб аталди. Оддий инсоний маданиятни унутган ЎзАППчиларнинг "фикр афкори" - "Курилиш" журнали эса Навоий, Машраб, Турди, Мукимиш ва бошка мумтоз адабиётимиз намояндаларини "хозирги замон кемаси"дан улоктириб ташлашга чакирди.

ЎзАППнинг шу йилларда олиб борган амалий фаолияти хакида куйидаги фактлар хам аник тасаввур бериши мумкин: "Курилиш" журналининг 1931 йил 3-сонида берилган маълумотда айтилишича, Хусайн Шамс ЎзАПП топширигига кўра "Ишчилар кутубхонаси" учун 12 та асар ёзиб берган; хозир эса "Колхоз кутубхонаси" учун 3 та асар ёзмокда. Агар бундай хабарларнинг шу йилларда Чўлпон ва Ойбекларга карши олиб борилган харакат билан киёслайдиган бўлсак, ЎзАПП фаолиятидаги гайримаданий холат кўзга янада якколрок ташланиши мумкин.

Шу нарса ажабланарлики, агар биз 30-йиллар адабиётига назар ташласак, унинг энг яхши намуналарини на Хусайн Шамс сингари ЎзАПП ишончини козонган ёзувчилар, на завод ва фабрикалардан адабиётга "кириб келган" Гиёс Соатий, Фатхулла Гулом, Солих Собирий, Хошим Зоҳидов сингари каламкашлар, балки "ўнг ва сўл йўловчилар" ёзганини кўрамиз. Кизиги шундаки, рус адабиётида хам пешонасига "йўловчи" тамгаси босилган ёзувчиларгина шу даврдаги энг машхур асарларни яратганлар.

Шу тарзда пролетар адабиётини яратишга каратилган уриниш пировардида сароб бўлиб чиқди; пролетар ёзувчилари уюшмаларининг фаолияти эса адабиётга фойдадан кўра кўпроқ зарар келтирди.

Ёзувчилар уюшмаси. 30-йилларнинг бошларига келиб, собик иттифок, республика ва хатто вилоят микёсидаги пролетар ёзувчилари уюшмаларининг адабий харакатга салбий таъсир кўрсатаётгани кундек равшан бўлди. Партия, бир томондан, ўз максадига эришди: яхшими-ёмонми, талайгина пролетар ёзувчилари етишиб чиқди; завод ва фабрикаларнинг дудини озми-кўпми симирган каламкашлар хам пайдо бўлдилар; партия бу икки кучнинг ёрдами билан "буржуа кайфияти"даги истеъдодли адилларни жиловлаб олди. Лекин, иккинчи томондан, турли мавкедаги уюшмалар хатто бир-бирлари билан хам ракобатлашадиган, бир-бирларининг бурунларини конатадиган гурухларга айланиб колдилар. Шунинг учун хам ВКП(б) Марказкоми 1932 йил 23 апрелда "Адабий-бадиий ташкилотларни кайта куриш тўгрисида" карор кабул килди. Бу карорга мувофик пролетар ёзувчилари уюшмалари таркатилиб, совет хокимиятини кўллаб-куватловчи барча калам ахлини совет ёзувчиларининг ягона уюшмасига бирлаштириш вазифаси кўйилди.

9 май куни ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси мазкур карорга асосланиб, "Ўрта Осиёда адабий-бадиий ташкилотларни кайта тузиш хакида" карор кабул килди. 16 июня Тошкент шахар совет ёзувчиларининг Самарканд шахар ёзувчилари вакиллари билан биргаликдаги кенгайтирилган йигилиши бўлиб ўтди. Йигилиш ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг мазкур карорини мухокама килишга багишланди. "Ўрта Осиё совет адабиёти" журнали мухаррири Алексеевнинг кириш сўзидан кейин Садриддин Айнийнинг йигилиш номига ёзган "адабий комбинатлар"ни ёклаган хати ўқиб эшиттирилди: мунаккид Раҳмат Мажидий ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси карори муносабати билан совет ёзувчилари ташкилоти олдида турган вазифалар тўгрисида маъруза килди. Ушбу маъруза юзасидан бўлиб ўтган мухокамада сўзга чиккан нотиклар бюро карорини кўллаб-куватладилар. Йигилиш сўнгидан Совет ёзувчилари иттифокининг Раҳмат Мажидий раислигидаги ташкилий комитети сайланди. Комитетга Ойдин (котиб), Зиё Сайд, Голодович, Хамид Олимжон, М.Усмонов, М.Алексеев, Элбек, Анкабой, Гафур Гулом ва З.Фатхуллин аъзо килиб сайландилар. Шундан кейин янги адабий уюшма таъсис этилгунга кадар ЎзАПП муассислигига нашр этиб келинган "Курилиш" журнали тўхтатилиб, унинг ўрнига июнь-июль ойларидан бошлаб "Ўзбекистон шўро адабиёти" журнали (мухаррири Р. Мажидий) чикарила бошлади.

Шу йилнинг август ойида Москвада Совет ёзувчилари уюшмасининг М.Горький раислигига бутуниттифок ташкилий комитети тузилди. 50 кишидан иборат бу комитетга Ўзбекистондан М.Алексеев, Р.Мажидий, У.Исмоилов, Гафур Гулом, Ойдин ва Садриддин Айнийлар киритилди.

1933 йил 22 февралда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси котибияти Ўрта Осиё ёзувчилар уюшмасининг ташкилий комитетини тузиш тўгрисида карор чикарди. Бу карорга биноан комитетга М.Алексеев — раис, Косим Лохутий — раис ўринбосари, Р.Мажидий, С.Трегуб, Тошназаров ва А.Токомбоевлар раёсат аъзолари килиб сайландилар.

Совет ёзувчилари уюшмасининг бутуниттифок, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ташкилий комитетлари тинимсиз равишда турли пленум, йигилиш ва мунозаралар ўtkазиб турди. Аммо СССР Ёзувчилар уюшмасининг низоми ва тузилмаси устида олиб борилган ишлар ўз вактида туталланмаганлиги сабабли бу ташкилий комитетларнинг фаолияти узок давом этди.

Нихоят, 1934 йилнинг 7 март куни Ўзбекистон совет ёзувчиларининг I курултойи ўз ишини бошлади. Ташкилий комитет раиси Р.Мажидий Ўзбекистондаги адабий харакатни кайтадан куриш якунлари ва галдаги вазифалар хакида маъруза килди. Зиё Сайд драматургия, Анкабой ёш ёзувчилар билан ишлар, Н.Сафаров Ёзувчилар уюшмасининг ташкилий масалалари бўйича кўшимча маърузалар билан чикдилар. Курултой 37 кишидан иборат Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташкилий комитетини сайлади. 12 март куни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг пленуми бўлиб, унда Р.Мажидий раёсат раиси этиб тасдикланди.

Шу тарзда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вужудга келди.

Ўша йилнинг 17 августида совет ёзувчилари I Бутуниттифок курултойи Москвада ўз ишини бошлади. Курултой СССР Совет ёзувчилар утошмасининг низомини хам кабул килди. Унда, жумладан, совет адабиётининг ижодий методига оид бундай сўзлар битилган эди: "Социалистик реализм совет бадиий адабиёти ва адабий танқидининг асосий методи бўлиб, санъаткордан вокеликни инкилобий тараккиётда хакконий,

тариҳан аник тасвирлашни талаб этади. Айни пайтда вокеликни хакконий ва тариҳан аник бадиий таспирлаш меҳнаткашларни социализм руҳида гоявий кайта куриш ва тарбиялаш вазифаси билан бирлашиши лозим ".

Совет адабиётининг бу сўзларда ўз ифодасини топган методи адабиётимизни ўта сиёсатлаштириб, партиявиийлаштириб юборди. Лекин шунга карамай, 1934 йилдан кейинги адабиётимизнинг тараккиёт йўлига назар ташлар эканмиз, катта ва чинакам истеъдоднинг, юкори адабий маҳоратнинг маҳсули бўлган кўпгина асарларнинг хам яратилганини кўрамиз. Ана шу асарларнинг майдонга келиши, неча-неча истеъдодли ёзувчилар авлодининг етишиб чикиши, адабиётимизнинг янги адабий тур ва жанрлар, рус ва жаҳон ёзувчиларининг бадиий тажрибалари билан бойиши, адабий харакатнинг эса мислсиз даражада ўсиб, халк хаётига яқинлашишида Ўзбекистон Ёзувчилар ўюшмасининг хам хизмати каттадир.

Наим Каримов